

**ТУРЛИ МАТЕРИАЛЛАРДАН ТАЙЁРЛАНГАН ОЛИНМАЙДИГАН
КЎПРИКСИМОН ТИШ ПРОТЕЗЛАРИНИНГ ОҒИЗ БЎШЛИҒИ
ҲОЛАТИГА ТАЪСИРИ**

Шарипов Салим Саломович

Холиков Анвар Собиржонович

Фармонов Жавохир Рустамбек ўғли

Мирзабеков Нурбек Баходир ўғли

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСИТИУТИ

Госпитал ратопедик стоматология кафедраси

Тошкент Ўзбекистон

Аннотация. Уш бу мақолада турли материаллардан тайёрланган олинмайдиган кўприксимон тиш протезларининг оғиз бўшлиғи ҳолатига таъсирини микробиологик текшириш ва натижа кўрсаткичлари ҳақда сўз боради.

Калит сўзлар: протез, материал, қоплама, стоматология, микробиология.

Мавзунинг долзарблиги. Маълумотларга кўра олинмайдиган кўприксимон тиш протезлари мавжудлиги оғиз бўшлиғининг ўз-ўзини тозалаш хусусиятини сусайтиради, уларни парвариш қилишни қийинлаштиради ва юмшок тиш карашларини пайдо бўлишига шароит яратади. Шунинг учун тишлар ва тиш протезлари юзасида микробларни тўпланиши кузатилиб, бу эса, ўз навбатида эмалнинг реминерализация жараёнларини ёмонлаштиради ва унинг структурасини бузилишига сабаб бўлади. Бундан ташқари оғиз бўшлиғининг нормал микрофлораси издан чиқиб, патоген ва шартли патоген микроорганизмлар микдорини ортиб, дисбактериоз ҳолати келиб чиқади. Шу билан биргаликда ортопедик стоматология амалиётида тиш қаторлари нуқсонларини бартараф этиш учун турли конструкциядаги тиш протезлари қўлланилиб, улар чайнов аппаратининг шакли ва функциясини тиклашга, тиш-жағ соҳасидаги деформацияларини олдини олишга қаратилган ҳамда психоген омилларни бартараф этишга олиб келади. Оғиз бўшлиғидаги микроблар сонига сўлакнинг физик-кимёвий хусусиятлари рН муҳит, электролитлар, ионлар, ферментлар, ҳарорат, ютиш жараёнидаги механик ҳаракатлар, қабул қилинаётган овқатнинг таркиби, консистенцияси, частотаси таъсир кўрсатади. Оғиз бўшлиғи гигиеник ҳолати, эпителиал хужайраларни кўчиб тушиши ва микроорганизмларнинг антогонистик хусусиятлари ҳам муҳим аҳамиятга эга. Микроорганизмларни оғиз бўшлиғи структур-функционал элементлари, ҳам юмшок, ҳам қаттик, тўқималари билан ўзаро таъсири кўп сонли тадқиқотчиларни эътибори тортган. Бу ҳолат оғиз бўшлиғи тўқималарини

шикастланиши патогенезида микроорганизмлар ва улар фаолияти махсулотлари билан ўзаро таъсири муҳим аҳамиятга эга.

Юқоридагиларга асосланган ҳолда шуни таъкидлаш жоизки, ҳар бир беморнинг индивидуал хусусиятларидан келиб чиқиб протез учун қўлланилувчи материалларни танлаш мақсадга мувофиқ чунки баъзи материаллар антиген стимуляциясига олиб келса, баъзилари иммун тизимни сусайтириши мумкин, натижада турли аутоиммун, аллергик ва инфекцион касалликларни келиб чиқишига замин яратилади (Сафаров М. Т., Шарипов С. С. 2014).

Шундай қилиб, адабиётлар таҳлилини кўрсатишича, ҳозирги кунда ушбу муаммони ўрганиш борасида ўтказилган тадқиқотлар натижалари жуда кўп аммо бир-бирига зид бўлган натижалар ҳам мавжуд ва улар асосида ягона бир фикрга келиш учун етарли эмас.

Турли стоматологик материалларни оғиз бўшлиғи микрофлораси билан ўзаро муносабати, турли материалларни оғиз бўшлиғи муҳитига таъсирини ўрганиш ушбу тадқиқотни ўтказишга тўртки бўлади.

Текшириш мақдади: олинмайдиган кўприксимон тиш протезлари қўлланилган беморларни ортопедик даволаш самарадорлигини микробиологик кўрсаткичлар асосида такдосий баҳолаш.

Текшириш объекти ва усуллари: Тадқиқотлар Тошкент давлат стоматология институти клиникасига ортопед стоматолог ёрдамига мухтожлик билан мурожат этган 28-60 ёшгача (ўртача ёши $35,9 \pm 2,33$ ёш) бўлган 120 та беморларда олиб борилди. Назорат гуруҳи сифатида сунъий тиш протезлари бўлмаган шахслар танлаб олинди (10 та шахс).

Қўлланилган тиш протезларини турларига кўра барча беморлар қуйидаги гуруҳларга ажратилди:

1 гуруҳ - нитро-титан ва титан қопламали тиш протезлари қўлланилган 40 та бемор;

2 гуруҳ - металл-пластмассали конструкцияли тиш протезлари қўлланилган 40 та бемор;

3 гуруҳ - металл-керамика конструкцияли тиш протезлари қўлланилган 40 та бемор;

Микробиолок текширишлар учун овқатланишдан 2 соатдан кейин оғиз суюқлиги стерил пробиркаларга олинди. Олинган материалдан микробиология лабораториясида серияли тарзда суюлтириб, улардан қуйидаги селектив дифференциал-диагностик озик муҳитларига экилди: анаэроблар учун агар, Эндо муҳдти, Калина муҳити, қонли агар, МРС-4 муҳдти, Сабуро муҳити ва бошқдлар.

Статистик маълумотлар Pentium-IV компьютерида EXCEL дастури учун махсус тузилган формулалар ёрдамида статистик қайта ишланди, бунда ўртача арифметик қиймат (M), ўртача квадратик оғиш (т),

стандарт хатолик (с), нисбий катталиклар (частота, %), хатоликлар эхтимолини (P) ҳисоблаш орқали амалга оширилди. Ўртача катталиклар фарқи $P < 0,05$ бўлганда ишонарли деб қабул қилинди.

Олинган натижа ва муҳокамалар: Келтирилган маълумотлар шуни кўрсатдики, жами текширилган беморларнинг аксарияти 40-49 (30,0%) ва 50-59 (33,3%) ёшдагилар ташкил қилди. Аёлларни 64 (53,3%), эркаклар аса 56 (42,7%) бемордан иборат бўлди. Ортопедик ёрдамга мухтож бўлган беморлар 58,2% ҳолатда чайнаш функциясини бузилиши, 29,4% ҳолатда эса косметик нуқсон, оғиз бўшлиғидаги дискомфортга 92% бемор шикоят қилди. Ушбу беморларида клиник-стоматоскопик текшириши натижалари турлича манзарага эга булди. Бунда беморларнинг 12% милк шиллик қаватини

яллиғланиши кузатилди, 71,5% беморда эса альвеоляр ўсик, яхши сақланган бўлиб, зич, унинг асоси кенглиги аниқланди. Улар остидаги шиллик қават зич, оч-пушти рангда, маргинал милк соҳасида қон томирлар яхши кўзга ташланади. 29,5% ҳолатда альвеоляр ўсикнинг атрофияси кузатилиб, бунда шиллик қават қонашга мойиллиги аниқланди.

Беморларида тиш қаторлари кўздан кечирилганда К -15, П - 28, У - 76; КПУ - 5,17 аниқланди. Юқори ва пастки жағ бўғимининг дисфункцияси кузатилмади, беморларнинг 64,5% тишларини эрталаб, 10,5% кечқурун, қолган қисми, яъни 25% беморлар кунига 2 марта тозалаганлар.

Шуни таъкидлаш жоизки, назорат гуруҳида анаэроб ва факультатив гуруҳ микроблари миқдор жиҳатидан бир-бирига яқинлиги кузатилди. Анаэроб гуруҳда лактобактериялар, факультатив гуруҳда эса коккли флора (стрептококклар) вакиллари устунлиги аниқланди. Қолган барча грамманфий флора вакиллари миқдори унчалик кўп бўлмасида, кандида замбруғлари нисбатан кўпроқ, даражада аниқланди ($2,15 \pm 0,17$ КОЕ/мл). Бундан ташқари, протезлашдан олдин беморлар оғиз бўшлиғида дизбиоз ҳолати мавжудлигини кўрсатди. Лактобактерияда бу кўрсаткичлар яққол намоён бўлиб $1,15 \pm 0,16$ КОЕ/мл миқдори ташкил қилди (назоратда $4,60 \pm 0,19$ КОЕ/мл). Микроорганизмларнинг факультатив гуруҳида эса бу силжишлар янада яққолроқ ривожланиб, граммусбат ва грамманфий флоранинг миқдорини ортиши билан намоён бўлди. Барча кокклар орасида фақат *Str. salivazus* миқдори пасайиши негизида, *Str. mutans* и *Str. Mitis* аниқланиш даражаси ортиб борди. Бу гуруҳ беморларида кандида туркумли замбруғлар миқдорини ортиб бориши эса алоҳида аҳамият касб этади.

Ўтказилган тадқиқотларни кўрсатишича, протезлаш жараёни оғиз бўшлиғи микрофлорасига ўз таъсирини кўрсатди. Бундан анаэроб гурух микробларини ажратилиши сезиларли равишда ортиб бориб, унда лактобактерияларни миқдор жиҳатдан ортди, яъни улар дастлабки натижаларга нисбатан 3,62 марта юқори кўрсаткичларга эришилди. Факультатив флорага нисбатан ҳам ижобий натижалар кузатилди: коккли ва таёқчасимон флора миқдори камайди. Бирок, кандида замбруглари миқдорий кўрсаткичларини юқорилиги хавотирли саналади. 2-гурух беморларида ўтказилган микробиологик текшириш натижалари протезлашнинг ушбу тури анаэроблар умумий сони ва факультатив флорага нисбатан ижобий таъсири юқорироқ бўлди. Граммусбат флорада эса негатив силжишлар кузатилди. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, беморлар оғиз бўшлиғида стафилококкларнинг патоген штамлари тилларанг стафилококк дастлабки натижаларга нисбатан 33% га камайган бўлсада назорат гурухга нисбатан анча юқори фоизларда сақланиб қолди ва $2,11 \pm 0,18$ КОЕ/мл ни ташкил қилди. Худди шундай натижалар кандида замбругларига нисбатан ҳам кузатилиб, унинг миқдори $4,55 \pm 0,1$ КОЕ/мл ни ташкил қилди ва дастлабки натижаларга нисбатан 9% кўп миқдорда сақланиб қолди. 3-гурух беморларидан олинган микробиологик текшириш натижалари нитро-титан ва металлпласт-массага нисбатан оғиз бўшлиғи микрофлорасига ўзининг ижобий таъсири юқорилиги билан ажралиб турди. Бунда анаэроблар умумий сонини, айниқда лактобактериялар миқдорини дастлабки натижаларга нисбатан 3,6 марта юқорилиги аниқданиб, ўртача $4,15 \pm 0,19$ КОЕ/мл ни ташкил қилди (назорат $1,15 \pm 0,14$ КОЕ/мл). Бундан ташқари пептострептококклар миқдорида ҳам ижобий натижалар қайд этилди, яъни уларнинг миқдори ўртача $3,80 \pm 0,17$ КОЕ/мл га тенг бўлиб, деярли назорат кўрсаткичига тенглашди ва дастлабки натижалардан 37% юқорилиги аниқданди. 3-гурух беморларида оғиз бўшлиғи микрофлораси холати. Граммусбат ва грамманфий флора миқдорий кўрсаткичларида ҳам ижобий силжишлар кузатилди. Айниқса кандида туркумли замбруглари миқдори $1,15 \pm 0,01$ КОЕ/мл гача камайиб, назорат гурухидан 1,9, дастлабки натижалардан эса 3,6 марта паст демакдир. Протезлашгача бўлган муддатда аса бу манзара умуман қарама-қарши кўринишга эга бўлди: кокклар ўзининг учраш даражаси буйича доминантлиги кўрсатганган бўлса, микробларнинг таёқчасимон шакллари эса етакчилик қила бошладилар.

Шунини таъкидлаш жоизки, протезлашга мухтож бўлган беморларда кандида замбруглари 80,7% ҳолатда учради, назорат гурухидан эса бу кўрсаткич 20,4% га тенг бўлди. Демак, ўтказилган тадқиқотлар асосида шунини хулоса қилиш мумкинки, нитротитан ва металл-пластмасса қопламали олинмайдиган кўприксимон тиш протезлари қўллаш оғиз бўшлиғи дизбиоз ҳолатини нисбатан яхшилайдди. 2 гурух беморларидан фарқли равишда 3 гурух беморларида

(металл-керамика) бу кўрсаткичлар кўпроқ ижобий натижалари билан ажралиб туради.

Хулоса: Шундай қилиб протезлашгача бўлган муддатда оғиз бўшлиғида дисбиоз кузатилиб, бунда анаэроб микрофлора ва кокклардан стрептококк саливариус микдорини камайиши негизида кандида замбруғлари микдорини ортиши ҳолати кузатилади. Беморларда турли материаллардан тайёрланган олинмайдиган кўприксимон тиш протезларини қўллаш ўрганилган кўрсаткичларни ижобий томонга ўзгаришига олиб келсада, бироқ бу ижобий динамика 3-гурухда металл-керамика қопламли олинмайдиган кўприксимон тиш протезлари қўлланилган беморларда яқдолроқ намоён бўлди.

АДАБИЁТЛАР

1. Lukmanovich X. N. et al. COVID-19 BILAN O'G'RIGAN TISHSIZ BEMORLAR OG'IZ SHILLIQ QAVATI TIZIMIDAGI BUZILISHLAR //Journal of new century innovations. – 2022. – Т. 14. – №. 4. – С. 152-154.

2. Lukmanovich K. N., Salomovich S. S. METHODS OF SAFETY OF DENTAL PROSTHETIC PRACTICE DURING THE COVID-19 PANDEMUM //Web of Scientist: International Scientific Research Journal. – 2022. – Т. 3. – №. 11. – С. 819-828.

3. Gaffarov S., Sharipov S. ANALYSIS OF MACRO AND MICROELEMENTS IN TEETH, SALIVA, AND BLOOD OF WORKERS IN FERGANA CHEMICAL PLANT OF FURAN COMPOUNDS //European Medical, Health and Pharmaceutical Journal. – 2014. – Т. 7. – №. 2.

4. Salomovich S. S. PERIODONTAL TO'QIMA KASALLIKLARIGA CHEKUVCHILARNING TAMAKINI QIZDIRISH VOSITALARIDAN FOYDALANGAN HOLATIDAGI O'ZGARISHLARI //Journal of new century innovations. – 2022. – Т. 16. – №. 3. – С. 150-155.

5. Tashpulatova K. et al. Technique for eliminating traumatic occlusion in patients using Implant-supported bridges //European Journal of Molecular & Clinical Medicine. – 2020. – Т. 7. – №. 2. – С. 6189-6193.

6. Иноятлов А. Ш. и др. Тиш қатори ва окклюзион тексликдаги ўзгаришлар ҳамда уларнинг чакка-пастки жағ бўғимида таъсири //Интегративная стоматология и челюстно-лицевая хирургия. – 2022. – Т. 1. – №. 2. – С. 40-47.

7. Иноятлов А. Ш. и др. Особенности клинических проявлений COVID-19 в ротовой полости //Интегративная стоматология и челюстно-лицевая хирургия. – 2022. – Т. 1. – №. 2. – С. 37-39.

8. Сафаров М. и др. Влияние несъемных зубных протезов различной конструкции на микробиологические и иммунологические показатели полости рта //Stomatologiya. – 2014. – Т. 1. – №. 1 (55). – С. 18-23.

9. Сафаров М., Мусаева К., Шарипов С. Олинмайдиган кўприксимон тиш протезларининг оғиз бўшлиғи микробиологик ҳолатига таъсири //Stomatologiya. – 2017. – Т. 1. – №. 2 (67). – С. 51-54.

10. Саломович С. Ш. THE INFLUENCE OF NONREMOVABLE BRIDGERESTORATION TO THE ORAL CAVITY MICROFLORA // Ёш олимлар кунлари тиббиётнинг долзарб масалалари: III. – 2014 – Т. 1. – С. 102.

11. Саломович Ш. С. THE INFLUENCE OF REMOVABLE DENTURES ON THE ORAL CAVITY MICROFLORA // Ёш олимлар кунлари тиббиётнинг долзарб масалалари: III. – 2014 – Т. 1. – С. 102.

12. Н. Л. Хабилов., С. С. Шарипов. TA'LIM INSONNI KOMILLIKKA YETAKLAYDI // ТАЛИМ ФИДОЙЛАРИ. – 2021/4 – Т. 1. – С. 398-401.

13. Хабилов Н. Л. и др. ЧАККА-ПАСТКИ ЖАҒ БЎҒИМИ КАСАЛЛИКЛАРИНИ ДАВОЛАШ УСУЛЛАРИ ҲАҚИДА АДАБИЁТЛАР ШАРҲИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ // Journal of new century innovations. – 2022. – Т. 15. – №. 2. – С. 79-85.

14. Хабилов Н. Л. и др. ТИШСИЗ ПАСТКИ ЖАҒ СУЯК ТЎҚИМАСИ ТУЗИЛМАЛАРИНИНГ СУЯК ИЧИ ТИШ ИМПЛАНТЛАРИГА АСОСЛАНГАН ОЛИНАДИГАН ПРОТЕЗЛАР БИЛАН ЎЗARO ТАЪСИРИ // Journal of new century innovations. – 2022. – Т. 15. – №. 2. – С. 98-101.

15. Хабилов Н. Л. и др. ЖАҒ ПРОТЕЗЛАРИ ВА ОБТУРАТОРЛАРИНИНГ ГИГИЕНИК ҲОЛАТИНИ БАҲОЛАШНИНГ УСУЛЛАРИГА АДАБИЁТЛАР ТАХЛИЛИ // Journal of new century innovations. – 2022. – Т. 15. – №. 2. – С. 89-91.

16. Хабилов Н. Л. и др. ЎСМИРЛАР ТИШ ҚАТОРЛАРИ ВА ОККЛЮЗИОН САТҲДАГИ ЎЗГАРИШЛАРНИ ЧАККА ПАСТКИ ЖАҒ БЎҒИМИ РИВОЖЛАНИШИ // Journal of new century innovations. – 2022. – Т. 14. – №. 4. – С. 150-151.

17. Хабилов Н., Шарипов С. ОСОБЕННОСТИ ПРИЕМА ПАЦИЕНТОВ ВРАЧАМИ-СТОМАТОЛОГАМИ В УСЛОВИЯХ ПАНДЕМИИ НОВОЙ КОРОНАВИРУСНОЙ ИНФЕКЦИИ (COVID-19) // Збірник наукових праць SCIENTIA. – 2021.

18. Xabilov N., Sharipov, S. ЎСМИРЛАР ТИШ ҚАТОРЛАРИ ВА ОККЛЮЗИОН САТҲДАГИ ЎЗГАРИШЛАРНИ ЧАККА ПАСТКИ ЖАҒ БЎҒИМИ РИВОЖЛАНИШИГА ТАЪСИРИ // СБОРНИК ТЕЗИСОВ Международной научно-практической конференции «Актуальные проблемы ортопедической стоматологии и ортодонтии». – 2022 – Т. 5. – С. 139-140.

19. Xabilov N., Sharipov S. COVID-19 TUFAYLI TISHSIZ BEMORLARDA OG'IZ VO'SHLIG'I SHILLIQ QAVATIDAGI O'ZGARIZSHLAR // СБОРНИК ТЕЗИСОВ Международной научно-практической конференции «Актуальные проблемы ортопедической стоматологии и ортодонтии». – 2022/10/14 – Т. 5. – С. 139-140.

20. Xabilov N., Sharipov S. TO'LIQ ADENTIYASI BO'LGAN BEMORLARNI OLINADIGAN PLASTINKA PROTEZLAR BILAN DAVOLASHNING ASOSIY JIHATLARI // СБОРНИК ТЕЗИСОВ Международной научно-практической конференции «Актуальные проблемы ортопедической стоматологии и ортодонтии». – 2022/10/14 – Т. 5. – С. 176-178.

21. Шарипов С. С. и др. ТИШ ҚАТОРИДАГИ АНОМАЛИЯ ВА ДЕФОРМАЦИЯНИ ОЛДИНИ ОЛИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ УСУЛЛАРИНИ

АМАЛИЁТГА ТАДБИҚ ҚИЛИШ //Journal of new century innovations. – 2022. – Т. 15. – №. 2. – С. 86-88.

22. Шарипов С. С. и др. ЧАККА-ПАСТКИ ЖАҒ БЎҒИМИ ДИСФУНКЦИЯСИ ВА ТИШЛОВ АНАМАЛИЯЛАРИГА АДАБИЁТЛАР ШАРҲИ //Journal of new century innovations. – 2022. – Т. 15. – №. 2. – С. 92-94.

23. Шарипов С. С., Ўткирбек А., Абдусатторович А. З. ЎСМИРЛАР ОККЛЮЗИОН САТҲДАГИ ЎЗГАРИШЛАРНИ ЧАККА ПАСТКИ ЖАҒ БЎҒИМИ РИВОЖЛАНИШ ТАЪСИРИГА АДАБИЁТЛАР ШАРҲИ //Journal of new century innovations. – 2022. – Т. 14. – №. 4. – С. 142-149.

24. Шарипов С. С. и др. ЧАККА ПАСТКИ ЖАҒ БЎҒИМИ КАСАЛЛИКЛАРИНИ ОЛДИНИ ОЛИШ //Journal of new century innovations. – 2022. – Т. 16. – №. 2. – С. 79-82.

25. Шарипов С. С. и др. ЧАККА-ПАСТКИ ЖАҒ БЎҒИМИ ДИСФУНКЦИЯСИНИ БАРТАРАФ ЭТИШ УСУЛЛАРИ //Journal of new century innovations. – 2022. – Т. 16. – №. 2. – С. 70-73.

26. Шарипов С. С. и др. СТОМАТОЛОГИК ДАВОЛАНИШГА МУХТОЖ БОЛГАН КАТТА ЁШДАГИ БЕМОРЛАРНИНГ ОҒИЗ БЎШЛИҒИ КАСАЛЛИКЛАРИГА МУНОСАБАТИНИ ПСИХОЛОГИК БАҲОЛАШ //Journal of new century innovations. – 2022. – Т. 16. – №. 2. – С. 66-69.

27. Шарипов С. С. и др. ЧАККА ПАСТКИ ЖАҒ БЎҒИМИ КАСАЛЛИКЛАРДА ИННОВАЦИОН УСУЛЛАРНИНГ ТАЪСИРИ //Journal of new century innovations. – 2022. – Т. 16. – №. 2. – С. 74-78.

28. Шарипов С. С., Хабилов Н. Л. COVID-19 ПАНДЕМИЯСИ ДАВРИДА ТИШ ПРОТЕЗЛАШ АМАЛИЁТИНИ ХАФСИЗ САҚЛАШНИНГ УСУЛЛАРИ //EURASIAN JOURNAL OF ACADEMIC RESEARCH. – 2021. – Т. 1. – №. 2. – С. 845-854.

29. Шарипов С. Хабилов Нигман. COVID-19 ПАНДЕМИЯСИ ДАВРИДА ТИШ ПРОТЕЗЛАШ ЖАРАЁНИДА БЕМОРЛАРДАН АЖРАЛГАН СЎЛАКНИНГ АҲАМИЯТИ //Вестник ТМА. – 2021. – Т. 2021. – С. 137-138

30. С. Шарипов., Н. Хабилов. COVID-19 TUFAYLI TISHSIZ BEMORLAR OG'IZ SHILLIQ QAVATI TIZIMIDAGI BUZILISHLAR //СБОРНИК ТЕЗИСОВ "АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СТОМАТОЛОГИИ" РЕСПУБЛИКАНСКАЯ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКАЯ КОНФЕРЕНЦИЯ". – 2022/10/4 – Т. 3. – С. 188-190.

31. Шарипов С. С., Хабилов. Н. Л. Стоматологиянинг Covid-19 пандемияси даврида қисқача хафсизлик усуллари //СТОМАТОЛОГИЯНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ” ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАНИ ФАРҒОНА. – 2021 – Т. 1. – С. 170-171.